

**«Унутмайлик ва бошка ҳеч қачон қайтарилишига йўл қўймайлик»**

Болалигимдан тарих билан кизикаман. Аммо Ўзбекистоннинг 19- ва 20-аср бошларидаги тарихини яхши билмайман. Нега десангиз у вақтлар тарихини ўқисам юрагим қон бўлиб кетади, қийналиб кетаман... Шунинг учун ўша вақт воқеалари устида изланишлар олиб бораётган мутахассисларга қойил қоламан, барака топишсин! Улардан миннатдор бўлайлик, меҳнатлари кадрини билайлик!

1938 йилнинг октябрь ойида рўй берган дахшатли воқеаларидан олинган асосий ибратланиш саволлари:

«Нима учун халқимиз устидан бошқалар шундай иш қилишди?» эмас балки «Нима учун халқимиз бунга йўл қўйди?» ва «Қандай йўл тутишимиз керак-ки, бу нарсалар кичикроқ қўринишда бўлса ҳам қайтарилмасин?» бўлиши керак.

Рўй берган воқеаларни том маънода «геноцид» деб атаб бўлмаса-да халқнинг энг зиёли, сара, интеллектуал катламини қирдириш орқали миллат руҳини юлиб олингандек бўлди. Ва натижада аҳолида эркин, озод фикрлаш хусусиятлари йўқ қилинди, тоталитар онг, қўрқув руҳияти, қуллик қўниқмалари мустақам ўрнатилди...

Биз, балки ҳали ҳам шу жиноятлар асоратини саклаб қолгандирмиз? Тозаланиб олиш вақти келмадими?

Мен бу ишларда ўзга миллатни умумий равишда айблашқаларга қаршиман, чунки большевиклар репрессияларни ҳар бир совет иттифоқи республикаларида оммавий олиб қирди.

Большевиклар прогрессив ва озодбахш гоялари билан жуда катта аҳоли қисмини орталаридан эргаштира олдилар. Шу билан бирга большевиклар ўз мафкура ва тизимларини жорий қилишда энг мудҳиш ишлардан жирқанмай фойдаландилар.

Окибатда «максад воситаларни оклайди» деб, ўзларининг адолат кадриятлари четда қолиб, фасод воситалари қулига айланишди.

Бу ҳам бизга ибрат. Қанчалик эрксевар, ҳақиқатпарвар бўлмайлик ишларимизда тўғрилиқ, ҳалоллик ўлчовларидан воз кечамаслигимиз керак. Асосий мезон тор сиёсий манфаатлар эмас адолат ва раҳмдиллик бўлиши даркор.

Яна бир ибрат: оддий одамлардаги ҳасад, кўролмаслик, игвогарлик, қалтафаҳмлиқ каби қамчиликларига сиёсий тус ва сиёсий қуч берилса улар тўфонни бузиб ўтадиган сел каби қатта талофатларни келтириб чиқарар экан.

Бизда, халқимизда шу иллатлар борлигини эътироф этиб, улардан покланишга интилиш, тубан гаризаларимизни тия олишни ўрганишимиз зарур! Бунинг учун ҳам 38 йил октябрь, ундан олдин ва кейин содир бўлган қатагонларни, қатлларни ёд этиб туриш керак бўлади.

Бундан бошқа қўп ибратлар олиш мумкин. Аммо ёд этиш фақатгина ибрат учун эмас балки бу инсоний бурчни адо этиш ҳам. Ўтмиш хотираси бу – ўтган аждодлар билан маънавий боғлиқликни ҳис қилиш дегани. Бошқа жонзотлардан шу нарса билан ҳам фарқ қилсак керак.

Мен дўстларимга «Унутмайлик ва бошка ҳеч қачон қайтарилишига йўл қўймайлик» деб мурожаат қиламан.

**Муаллиф:** [Jamshid Muslimov](#)